



ЗЎРЛИК ИШЛАТИБ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИ ОЛИБ ҚОЧИШ ЖИНОЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

А.А.Адашбаев

ИИВ Академияси Жиноят ҳуқуқи кафедраси
ўқитувчиси, капитан
<https://doi.org/10.5281/zenodo.11524342>

ARTICLE INFO

Received: 01st June 2024

Accepted: 03th June 2024

Published: 06th June 2024

KEYWORDS

Транспорт воситасини олиб қочиш, зўрлик ишлатиш, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўрлик, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик, ўғирлик, талончилик, босқинчилик.

ABSTRACT

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси 267-моддасида назарда тутилган зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятнинг квалификация қилиш қоидалари, шунингдек ЖК 267-моддасида кўрсатилган зўрликни дифференциациялаш юзасидан таклиф тавфсиялар берилган.

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси 267-моддасида транспорт воситасини олиб қочиш учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, мазкур модданинг иккинчи қисми “в” бандада зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб¹ транспорт воситасини олиб қочиш учун жавобгарлик белгиланган.

Ушбу бандга кўра айбдор шахснинг объектив томон ҳаракатларида транспорт воситасини олиб қочишдан ташқари уни бошқарувчисига нисбатан зўрлик ишлатиб ёки шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрель кuni чиқарилган “Ўзгалар мулкани ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида” 6-сон қарорининг 3-банди 4-хатбошисида зўрлик ёки уни қўллаш билан қўрқитиш мулк ихтиёрида, тасарруфида ёки қўриқловида бўлган шахсга нисбатан, шунингдек, ўзганинг мулкани очикдан-очик эгалик қилишга қаршилиқ қилувчи шахсларга нисбатан ҳам қарши йўналтирилган бўлиши мумкинлиги кўрсатилган бўлиб айнан ушбу банднинг 5-хатбошисида ҳаёти ёки соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўрлик деганда, энгил тан жароҳати етказишни тушуниш лозим. Бундай зўрлик жабрланувчига жисмоний азоб берувчи ёки унинг эркинлигини чеклаб қўювчи ҳаракатларда ифодаланиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 267-модда <https://lex.uz/docs/111453> мурожат қилинган сана 14.02.2024 йил.

Шунингдек мазкур Олий суд Пленуми қарорининг 6-бандида Ҳаёт учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш деганда унинг ишлатилиши жабрланувчининг ҳаёти учун аниқ бўлган хавфни вужудга келтирувчи ҳолат (масалан, жабрланувчини бўғиш, бошини сув остида ушлаб туриш ва ҳ.к.) тушунилади.

Соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш деганда, жабрланувчига соғлиғининг бузилишига сабаб бўлган тан жароҳати етказиш ёки шундай тан жароҳатини етказиш хавфини туғдирувчи ҳаракатлар (чаккага, қуёш ўрилмасига уриш ва ҳ.к.) тушунилади². Деб кўрсатилган.

Р.Кабулов, Д.М.Миразов ва бошқаларнинг фикрига кўра Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфни келтириб чиқарувчи ҳаракатлар қўл билан бўғиш, арқонни бўйнига солиш, шарқона кураш усулларни намойиш қилиш ёки ўювчи (кислота) моддаларни кўрсатиш билан кўрқитиш кабиларда ифодаланади. Хужум қилиш деганда, очиқ ёки яширин равишда тўсатдан жабрланувчига тажовузкорона зўрлик ишлатиш тушунилади. Хужум ниқобланган (яширин жойдан орқасига уриш) ҳамда жабрланувчига аниқ ёки яширин таъсир ўтказиш хусусиятга эга бўлиши мумкин (жабрланувчининг асаб-поролитик тизимларига таъсир қилиш орқали). Хужум қилиш – жабрланувчига тўсатдан тажовузкорона зўрлик ишлатиш³. Тушунлишини таъкидлашган.

Б.С.Мадрахимовнинг фикрига кўра жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлмаган зўрлик деганда, баданга енгил шикаст етказиш тушунилади. Бундай зўрлик жабрланувчига жисмоний оғриқ етказиш ёки унинг эркинлигини чеклаш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларда ҳам намоён бўлади. Жабрланувчини зўрлик ишлатиб хонага қамаб, боғлаб қўйиш, оғзига латта тиқиб қўйиш каби ҳаракатлар жумласидан.

Жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш жабрланувчини мол-мулкни беришга ёки унинг талон-торож қилинишига тўсқинлик қилмасликка мажбурлаш мақсадида унга жисмоний ёки руҳий таъсир кўрсатишдир. Кўрқитиш мол-мулк эгасига ёхуд мол-мулк ихтиёрида ёки муҳофазасида бўлган шахсга нисбатан ёхуд молмулкни талон-торож қилиш бегона шахслар кўзи олдида содир этилаётган бўлса, ўша шахсларга қаратилиши мумкин. Талончиликда кўрқитиш ҳақиқатда мавжуд ва реал бўлиши керак⁴ деган фикрларни илгари суришган.

Биз Р.Кабулов, Д.М.Миразов ва Б.С.Мадрахимовларнинг зўрлик учун берган таърифига тўлиқ қўшилаемиз ва транспорт воситасини олиб қочиш вақтида айбдор шахс томонидан транспорт воситасининг эгаси ёки уни бошқарувчи шахсга ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган ёхуд ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш орқали содир этилиши мумкин деб ҳисоблаймиз.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкни ўғрилиқ, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сон қарори. <https://lex.uz/docs/1448644> (Манбага мурожаат қилинган вақт 22.02.2024 йил.)

³ Б 84 Босқинчилик ва талончилик жиноятларини очиш, тергов қилиш, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш: Амалий-услубий қўлланма / Р. Кабулов, Я.А.Абдулхаков, Ж.С.Мухтаров ва бошқ.; Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори Д. М. Миразов. – Т. : Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 121 б. ББК 67.99(5У)93/94я73

⁴ М–13 Мадрахимов Б. С. Жамоат жойларида содир этиладиган талончилик жиноятини тергов қилиш: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – 59 б. ББК 67.99 (2Ў)94.я73

М.Х. Рустамбаев ЖК 267-моддаси иккинчи қисми “в” бандида назарда тутилган зўрлик ишлатиш деганда, жабрланувчига ҳар қандай оғирлик даражасидаги тан жароҳати етказилишини тушуниш лозимлиги, жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатилган ҳолларда айбдор шахснинг ҳаракатлари инсон соғлиғига зарар етказилганлиги учун жавобгарликни назарда тутувчи жиноятлар бўйича қўшимча квалификация қилишга муҳтож эмаслиги, мазкур ҳаракатлар ЖК 267-моддасининг учинчи қисми билан қамраб олинишини, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш деганда, жабрланувчига ҳар қандай оғирлик даражасидаги тан жароҳати етказиш билан қўрқитиш тушунилиши⁵ тўғрисидаги фикирни илгари сурган.

Биз М.Х.Рустамбаевнинг юқоридаги фикрига қисман қўшилаемиз. Тадқиқотимиз давомида суд-тергов амалиётини ўрганганимизда транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадисиз зўрлик ишлатиб олиб қочиш билан боғлиқ ишларда жабрланувчига етказилган тан жароҳатининг оғирлик даражасидан қатий назар айбдор шахснинг ҳаракатлари ЖК 267-моддасининг “в” банди билан квалификация қилинганлигини гувоҳи бўлдик.

Фикримизча бу жиҳатдан қонун чиқарувчи қонунни қўллаш бўйича этиборга олмаган жиҳатлари мавжуд. Мазкур бандда келтирилган зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитишни анниқ дифференциациялаб кўрсатиб бериш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 8-моддасида “Одиллик принципи” келтирилган бўлиб, унга кўра “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак”⁶ деб кўрсатилган. Биз транспорт воситасини олиб қочиш жиноятида етказилган тан жароҳатининг оғирлик даражасига қараб қилмишни квалификация қилмас эканмиз унда одиллик принципини бузган ҳисобланамиз. Масалан шахс транспорт воситасини олиб қочиш мақсадида унинг эгасига ҳаёт ва соғлиқ учун ҳавfli бўлган зўрлик ишлатиб, унга оғир тан жароҳати етказиб олиб қочган бўлса айбдор шахснинг ҳаракатларини ЖК 267-моддасининг иккинчи қисми “в” банди билан квалификация қилаемиз. Шунингдек айбдор шахс жабрланувчига ҳаёт ёки соғлиқ учун ҳавfli бўлмаган зўрлик ишлатиб, унга енгил шикаст етказиб ёки шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этган ҳолда ҳам унинг қилмишини ЖК 267-моддасининг иккинчи қисми “в” банди билан квалификация қилмоқдамиз. Ушбу вазиятда айбдор шахснинг қилмишларининг оғир-енгиллиги айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавfliлик даражасига мувофиқ келмаган бўлса ҳам қонун чиқарувчи уларга бир ҳил жазо қўлламоқда ва бу одиллик принципига мувофиқ эмас деб ҳисоблаймиз.

Юқоридаги ҳолат юзасидан бир қатор хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилган жумладан, Россия Федерацияси⁷, Беларусия Республикаси⁸, Украина Республикаси⁹,

⁵

⁶ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 8-модда <https://www.lex.uz/acts/111453> манбаага мурожаат қилинган сана 01.03.2024 йил.

⁷ Россия Федерацияси Жиноят кодекси 166-модда https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/1917a12954153390d74667e91d0af4f261e560dc/ манбаага мурожаат қилинган вақт 01.03.2024 йил.

Қозоғистон Республикаси¹⁰, Қирғизистон Республикаси¹¹, Тожикистон Республикаси¹² ва Туркменистон Республикаси¹³да транспорт воситасини олиб қочиш учун жавобгарлик белгиланган нормаларда зўрлик ишлатилиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этиладиган бандлари тан жароҳатининг оғир енгиллигига қараб ажратиб чиқилган. Масалан Россия Федерацияси ЖК 166-моддаси “автомобил ёки бошқа таранспорт воситасини талон торож қилиш мақсадисиз эгаллаш” Мазкур норманинг иккинчи қисми “в” банди ҳаёт ва соғлиқ учун ҳавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёки шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган бўлса, шунингдек ушбу модданинг тўртинчи қисмида ҳаёт ёки соғлиқ учун ҳавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёки шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган бўлса деб ажратиб қўрсатилган.

Юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики зўрлик ишлатиш бу жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, у уриш, дўппослаш, енгил шикаст етказиш, ўртача оғир шикаст етказиш ва оғир даражадаги шикаст етказиш каби жароҳатларни қамраб олади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖКда кўрсатилган 110-модда (қийнаш), 109-модда (қасддан баданга енгил шикаст етказиш), 105-модда (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш), 104-модда (қасддан баданга оғир шикаст етказиш)да зўрлик ишлатиш боғлиқ бўлган жиноятларнинг ижтимоий ҳавфлилик даражасига кўра алоҳида моддалар билан дифференциациялаштирилган.

Шу билан бирга ЖК 267-модданинг яна бир жиҳатига этибор қаратишимиз лозим. ЖК 267-модданинг 2-қисми “г” бандида транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадида талончилик йўли билан содир этилиши учун жавобгарлик белгиланган. Талончилик жинояти ҳаёт ёки соғлиқ учун ҳавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёки шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилади.

Мазкур модданинг 3-қисми “в” бандида транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадида босқинчилик йўли билан содир этилган жиноят учун жавобгарлик белгиланган.

Босқинчилик жинояти ҳаёт ёки соғлиқ учун ҳавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёки шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилади.

Талончилик ва босқинчилик жиноятларини фарқлашда ишлатиладиган зўрликнинг хусусияти инобатга олинади ва ушбу зўрликнинг ижтимоий ҳавфлилик даражасидан келиб чиққан ҳолда фарқланади. Хусусан ЖК 267-модданинг 2-қисмида

⁸ Беларусия Республикаси Жиноят кодекси 214-модда https://kodeksy-bel.com/ugolovnyj_kodeks_rb/214.htm манбаага мурожаат қилинган вақт 01.03.2024 йил

⁹ Украина Республикаси Жиноят кодекси 289-модда манбаага https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30418109&sub_id=2890000&pos=2627;-54#pos=2627;-54 мурожаат қилинган вақт 01.03.2024 йил

¹⁰ Қозоғистон Республикаси Жиноят кодекси 200-модда манбаага https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252&sub_id=2000000&pos=3151;-54#pos=3151;-54 мурожаат қилинган вақт 01.03.2024 йил.

¹¹ Қирғизистон республикаси Жиноят кодекси 211-модда манбаага https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=36675065&sub_id=2110000&pos=2166;-54#pos=2166;-54 мурожаат қилинган вақт 01.03.2024 йил.

¹² Тожикистон Республикаси Жиноят кодекси 252-модда https://continent-online.com/Document/?doc_id=30397325#pos=2620;-54 манбаага мурожаат қилинган вақт 01.03.2024 йил.

¹³ Туркменистон Республикаси Жиноят кодекси 255-модда манбаага https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31295286&sub_id=2550000&pos=2369;-36#pos=2369;-36 мурожаат қилинган вақт 01.03.2024 йил.

транспорт воситасини талончилик йўли орқали содир этилиши ва 3-қисмида транспорт воситасини босқинчилик йўли орқали содир этилиши алоҳида ажратиб кўрсатилган.

Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиш деганда – уриш, дўппослаш, баданга енгил шикаст етказишни қамраб олишини ва ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш деганда – баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказишлиш тушунилиши тўғрисидаги бир қатор олимларининг фикрларига шунингдек қонунчиликка таянадиган бўлса, ЖК 267-моддаси иккинчи қисми “в” бандида назарда тутилган зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб содир этилиши учун белгиланган жавобгарликни дифференциациялаш лозим ва ушбу юзасидан биз ўзимизни қуйдаги таклифимизни бермоқдамиз.

ЖК 267-модда 2-қисми “в” банди яъни зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитибни **“ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиб ёки шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб”** деб ўзгартириш ва 3-қисмини қуйдагича ўзгартириш;

Ўша ҳаракат:

а) ўта хавfli рецидивист томонидан;

б) ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиб ёки шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб;

в) уюшган гуруҳ томонидан;

г) транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадида босқинчилик йўли билан содир этилган бўлса, — тарикасида ўзгартириш таклиф этилади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, юқорида келтирилган фикрларни қоқнчиликка ва суд-тергов амалиётига татбиқ этилиши, келгусида транспорт воситасини олиб қочиш билан боғлиқ қилмишларга тўғри, амалда бир хил ҳуқуқий баҳо берилишига ва қилмишни тўғри квалификация қилишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 267-модда <https://lex.uz/docs/111453> мурожат қилинган сана 14.02.2024 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкани ўғрилиқ, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сон қарори. <https://lex.uz/docs/1448644> (Манбага мурожаат қилинган вақт 22.02.2024 йил.)
3. Б 84 Босқинчилик ва талончилик жиноятларини очиш, тергов қилиш, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш: Амалий-услубий қўлланма / Р. Кабулов, Я. А. Абдулхаков, Ж. С. Мухтаров ва бошқ.; Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори Д. М. Миразов. – Т. : Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 121 б. ББК 67.99(5У)93/94я73
4. М–13 Мадрахимов Б. С. Жамоат жойларида содир этиладиган талончилик жиноятини тергов қилиш: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – 59 б. ББК 67.99 (2Ў)94.я73
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 8-модда <https://www.lex.uz/acts/111453> манбага мурожаат қилинган сана 01.03.2024 йил.

6. Россия Федерацияси Жиноят кодекси 166-модда
https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/1917a12954153390d74667e91d0af4f261e560dc/ манбаага мурожаат қилинган вақт 01.03.2024 йил.
7. Беларусия Республикаси Жиноят кодекси 214-модда https://kodeksy-bel.com/ugolovnyj_kodeks_rb/214.htm манбаага мурожаат қилинган вақт 01.03.2024 йил
8. Украина Республикаси Жиноят кодекси 289-модда
https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30418109&sub_id=2890000&pos=2627;-54#pos=2627;-54 манбаага мурожаат қилинган вақт 01.03.2024 йил
9. Қозоғистон Республикаси Жиноят кодекси 200-модда
https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252&sub_id=2000000&pos=3151;-54#pos=3151;-54 манбаага мурожаат қилинган вақт 01.03.2024 йил.
10. Тожикистон Республикаси Жиноят кодекси 252-модда https://continent-online.com/Document/?doc_id=30397325#pos=2620;-54 манбаага мурожаат қилинган вақт 01.03.2024 йил.
11. Туркменистон Республикаси Жиноят кодекси 255-модда
https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31295286&sub_id=2550000&pos=2369;-36#pos=2369;-36 манбаага мурожаат қилинган вақт 01.03.2024 йил.

INNOVATIVE
ACADEMY